

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ТОЙЧИЕВ АБДУРАҲИМ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**ЯРАЛИ КОЛИТ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ ИММУНОЛОГИК
ВА ИНФЕКЦИОН ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология
14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тойчиев Абдурахим Ходжиакбарович Ярали колит патогенезининг иммунологик ва инфекцион жихатлари.....	3
Тойчиев Абдурахим Ходжиакбарович Иммунологические и инфекционные аспекты патогенеза язвенного колита.....	23
Toychiev Abdurakhim Hodjiakbarovich Immunological and infectious aspects of ulcerative colitis pathogenesis.....	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ
КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ**

ТОЙЧИЕВ АБДУРАҲИМ ХОДЖИАКБАРОВИЧ

**ЯРАЛИ КОЛИТ ПАТОГЕНЕЗИНИНГ ИММУНОЛОГИК
ВА ИНФЕКЦИОН ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология и иммунология
14.00.10 – Юқумли касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧАФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib714 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.immunology.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедова Холида Юлдашевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Осипова Светлана Олеговна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Умида Пулатджановна
тиббиёт фанлари доктори

Ибадова Гульнора Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ кунин соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail:immunologiya@qir.ru).

Диссертация иши билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунин тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

З.С.Камалов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.П.Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ярали колит (ЯК) касаллигининг учраш даражаси кун сайин ортиб бормоқда, айниқса, иқтисодий ривожланаётган мамлакатларда хасталикнинг жадал ўсиши кузатилмоқда. ЯК йўғон ичакнинг сурункали яллиғланиши билан кечувчи, иш қобилятини қисман/тўлиқ йўқотилишига олиб келувчи, асосан 30-40 ёшдаги шахсларда учрайдиган касалликдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ярали колит асорати бўлган колоректал рактан йилига 1,8 миллиондан ортиқ инсонлар вафот этиши қайт қилинмоқда»¹. Маълумки «... турли мамлакатларда касалликнинг тарқалиши ўртача ҳар 100000 кишига 24,3 дан 214 та ҳолатгача учрамоқда. Жарроҳлик амалиёти беморларнинг 15%дан ортиқ қисмида амалга оширилмоқда, аммо консерватив даво олаётган беморлардан кўра кўпроқ иш қобиляти йўқотилишига сабаб бўлмоқда»². Бугунги кунда ЯК кечишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даволаш ва профилактик чораларини ишлаб чиқиш соҳа ходимлари олдида ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда ЯК патогенезининг иммунологик ва инфекциян жиҳатларини самарадорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий–тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада турли даволаш босқичида бўлган ЯК ва турли ўсма босқичда бўлган колоректал рак (КР) беморлардаги ва аҳоли орасида ичак макро- ва микробиотасининг ҳолатини, ўзгаришлар даражаси ва кечиш фаоллигини асослашдан иборат. ЯК билан касалланганларни ва қиёслаш гуруҳидаги беморларда яллиғланишга қарши цитокинларни ва бошқа яллиғланиш маркерларини баҳолаш орқали иммун ҳамда цитокин ҳолатини асослашдан иборат. ЯК беморларда антипротозой терапиянинг клиник ва цитокин ҳолати ҳамда бластоцист инфекциясининг жадаллигига таъсирини ҳамда иммун ҳолатида аниқланган силжишларни, ичак протистофаунасида аниқланган ўзгаришларни бартараф этиш йўли билан, коррекциялаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ЯК касалигининг кечишига таъсирини самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволашга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва

¹World Health Organization web site, 2018, <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/cancer>

²NgSC et al. Worldwide incidence and prevalence of inflammatory bowel disease in the 21st century: a systematic review of population-based studies. Lancet. 2018 Dec 23;390(10114):2769-2778.

самарали ташхислаш»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида ЯК патогенезининг юқумли ва иммунологик жиҳатларини тиклашга қаратилган профилактик чора–тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сонли «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатлари олимлари томонидан ичак яллиғланиши билан кечувчи касалликлар этиопатогенезида ичак эукариотларининг аҳамиятини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Гигиеник гипотезага кўра, гельминтлар ёки уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсули иммун жавобни модуллаштиради ва яллиғланишни камайтиради (Maizels RM, McSorley HJ., 2016). Гельминтларнинг инсонларда ва тажриба моделларида ЯКнинг кечишига ижобий таъсири тўғрисида маълумотлар кўп эмас ва бир-бирига зид (Broadhurst M.J. et al., 2010; Summers R.W. et al., 2005; Varyani F et al., 2017). Жумладан, *Enterobius vermicularis* ичак яллиғланиш касалликлари ривожланиш хавфини камайтиради (Bager P. et al., 2012); ичак яллиғланиш касалликларини даволашда гельминтларнинг қўлланилиш хавфсизлиги ва самарадорлиги бўйича етарлича далиллар мавжуд эмас (Garg S.K. et al., 2014); *Trichuris suis* тухумларининг ичак яллиғланиши билан кечувчи касалликларда қўлланилиши касаллик кечишига таъсир этмаган (Huang X et al., 2018). ЯК беморларда *Entamoeba coli*, *Entamoeba dispar*, *Endolimax nana*, *Chilomastix mesnili*, *Jodamoeba butschlii* тарқалганлик даражасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар жуда оз (Lukes J et al., 2015). *Blastocystis sp.* патогенлик хусусиятлари ва унинг ЯК патогенезидаги аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар бир-бирига зид. Айрим муаллифларнинг фикрига кўра, *Blastocystis sp.* ЯК беморларда популяцияга нисбатан кам учрайди ва яллиғланишга таъсир

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

этмайди. Бошқа тадқиқотларда эса, аксинча, ЖК беморларда ушбу инфекциянинг учраш даражаси юқори. *Blastocystis sp.* канцерогенездаги аҳамияти тахмин қилинмоқда: тажрибада ўсма хужайраларини фаоллаштирадиган *Blastocystis sp.* антигени аниқланган. *Blastocystis sp.* патогенлик хусусиятлари тўғрисида ва унинг ичак яллиғланиш касалликларига таъсири бўйича ягона фикр мавжуд эмас.

Ўзбекистонда ичак инфекцияларнинг эпидемиология ва уларни ташхислаш ва даволаш борасида қатор илмий ишлар олиб борилмоқда (Т.О. Даминов, М.Д. Ахмедова, Л.Н. Туйчиев) бироқ, ЖК патогенезининг иммунологик ва инфекцион жиҳатлари ёритишга қаратилган илмий тадқиқотлар бажарилмаган.

Шу муносабат билан ЖК касалигига олиб келувчи омилларни эрта аниқлаш, ташхислашни такомиллаштириш, асоратлари келиб чиқишининг олдини олиш ва иммунологик маркёрлар ёрдамида яллиғланиш жараёнига ичак макро- ва микробиотасининг таъсирини аниқлаш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлари илмий–текшириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.21.2 «Ярали колит ва колоректал саратонли беморларда янги прогностик маркерлар ва даволаниш самарасини кўрсатувчи маркерларни ишлаб чиқиш» (2015-2018 йй.) давлат амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЖК патогенезининг иммунологик ва инфекцион жиҳатлари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли даво босқичида бўлган ЖК ва турли ўсма босқичда бўлган КР беморлардаги ва аҳоли орасида ичак макро- ва микробиотасининг ҳолати, ўзгаришлар даражаси ва жадаллигини баҳолаш;

ЖК ва солиштирув гуруҳига кирувчи беморларда яллиғланишга қарши цитокинларни ва бошқа яллиғланиш маркерлари ҳолатини баҳолаш;

ЖК беморларда антипротозой терапиянинг клиник ва цитокин ҳолати ҳамда бластоцист инфекциясининг жадаллигига таъсирини баҳолаш;

ичак протистофаунасида аниқланган ўзгаришларни даволаш ҳамда иммун ҳолатида аниқланган силжишларни коррекциялаш усуллари ишлаб чиқиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика биринчи клиник шифохонасида даволанаётган 100 нафар жаррохлик амалиётидан олдин ва кейинги кўзиш давридаги ЖК беморлар ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази назоратидаги 200 нафар КР беморлар, улардан 20 нафари кимётерапия билан ҳамда Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлари илмий–текшириш институти назоратида бўлган 200 нафар шахслар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида периферик қон ва зардоби иммунологик тадқиқотлар учун, ахлат намуналари культурал тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, иммунологик, паразитологик, культурал ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёндош гельминтоз ва лямблиози бўлган ЯК беморларда ҳужайравий (CD3+,CD4+,CD25+) ва гуморал иммунитет (IgG, IgE) кўрсаткичларнинг ортиши фонида апоптозга хос (CD95+) лимфоцитлар миқдорининг камайиши билан кечиши аниқланган;

илк бор ЯК беморларда яллиғланишга хос (ИЛ-1 β , ЎНО- α , ИЛ-6) цитокинлари ҳамда СРО миқдорининг ортиши ва яллиғланишга қарши (ИЛ-4) ҳамда ИФН- γ цитокинлари миқдорининг камайиши билан боғлиқ жараён юзага клиши аниқланган.

илк бор ЯК ва КР беморларнинг ичак микробиотаси таркибига кирувчи эукариотлар (содда жониворлар, гельминтлар, замбруғлар ва бошқалар) таркибига ва ичак протистофаунаси (*Blastocystis sp.*, *C. mesnili*, *J. butschlii* ва *E. nana*) алоҳида компонентларининг учрашига боғлиқлиги асосланган;

илк КР беморларда ичак протистофаунасига тааллуқли *Blastocystis sp.*, *C. mesnili*, *J. butschlii* ва *E. nana* компонентлари ЯК ва назорат гуруҳига нисбатан кўп учраши, ЯК беморлар ва назорат гуруҳи ўртасида патоген паразитлар (*A. lumbricoides*, *E. vermicularis*, *H. nana* ва *G. lamblia*) билан касалланганлик даражаси ишончли даражада фарқ қилмаганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЯК билан хастланган беморларда бластоциста инфекциясининг аҳамияти ва *Blastocystis sp.* элиминация қилиш муҳимлиги баҳоланган;

*Blastocystis sp.*нинг антипротоза дори воситаларига нисбатан сезувчанлиги аниқланган ва республика шароитида бластоцистозни даволаш такомиллаштирилган;

ёндош бластоцистозга эга ЯК билан хасталанган беморларни антипротоза дори воситаларини қўллаган ҳолда моно-ва аралаш даволаш усуллари ишлаб чиқилган;

ёндош бластоцистоз бўлган ЯК билан хасталанган беморларда қўлланилган моно- ва комбинирланган терапия самарадорлигини баҳолашда зарур цитокин маркерлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, паразитологик, иммунологик, культурал ва статистик усуллар асосида ЯК патогенезининг иммунологик ва инфекцион жиҳатларини баҳолашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ичак макро- ва микробиотасининг тузилиши, жарроҳлик амалиёти ҳамда патогенетик даволанишдан олдинги ва кейинги зарарланишнинг даражаси ва жадаллигини, уларнинг ЯКнинг кечишига, ЯК беморларнинг ҳужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичларига таъсирини аниқлаб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЯК беморларда эукариотларнинг эрта ташхислаш, ЯК кечишига ҳамда клиник ва иммунологик кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатувчи *Blastocystis sp.* инфекцияси аниқланганда антипротозой терапиясини ўтказиш орқали асосий касалликни даволашни такомиллаштириш ҳамда ярли колит беморларида мунтазам паразитологик текширувни ўтказиш заруратини исботлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЯК патогенезининг иммунологик ва инфекцион жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бластоциста инфекциясининг ташхисоти ва ярли колитни даволашда антипротозой дори воситаларининг қўлланилиши» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 майдаги 8н-д/121-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЯК билан хасталанган беморларда касаллик кечишига салбий таъсир кўрсатаётган бластоциста инфекциясини эрта аниқлаш ва ўз вақтида антипротозой дори воситаларини қўллашга хизмат қилган;

ЯК патогенезининг иммунологик ва инфекцион жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳридаги 4-сон клиник шифохонаси ва Бухоро кўп тармоқли тиббиёт маркази клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 8н-з/131-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ЯК билан хасталанган беморларда яллиғланишни кучайтирувчи инфекцион омилларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш натижасида клиник ва лаборатор кўрсаткичларнинг меъёрлаштириш, оғир асоратлар ривожланиш эҳтимолини камайтириш ҳамда уларни шифоханада даволаниш муддатини қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар ҳамда тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишини Ўзбекистон Республикасининг фан ва технология ривожланишининг устун йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги ёритилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Ярали колитнинг иммунологик ва инфекциян омилларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида ЯКнинг энг оғир асорати – КР билан бирга ЯК эпидемиологияси, клиникаси, этиопатогенези ва даволаш усуллари кўриб чиқилган. ЯК ҳолатида беморларда яллиғланишнинг бошланиши ва авж олишида ҳамда малигнизация юзага келишида ичак микробиотасининг аҳамияти таҳлил қилинган. Таъкидланадики, микробиотанинг бактериял қисмини ўрганиш натижалари ЯК ҳолатида яллиғланиш жараёнининг триггери бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган микроорганизмларнинг идентификациясига олиб келмаган. ЯК кечишига гельминтларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар жуда оз ва бир-бирига зид, ЯК беморларида протистофаунанинг тузилмаси тўғрисида умуман йўқ. ЯК патогенезининг иммунологик омиллари бўйича мавжуд маълумотлар муҳокама қилиниб, унинг асосида, умумий фикрга кўра, ёритилган микрофлора келтириб чиқарган шиллиқ йўғон ичакнинг иммун тизими ортиқча фаоллашуви ётади.

Диссертациянинг **«Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқ қилинган беморлар ва назорат гуруҳидаги шахслар ҳамда тадқиқот усуллариининг таърифи келтирилган. Тадқиқотда 1-сон Республика клиник шифохонаси колопроктология бўлимига мурожаат қилган ва даволаш учун ётқизилган 500 нафар бемор, шулардан жарроҳлик амалиётига ва консерватив даволанишгача бўлган 100 нафар ЯК бемор; эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институтига диспансеризация учун режали тиббий кўрикдан ўтиш учун мурожаат этган, ошқозон-ичак тизими ва сурункали касалликлар (вирусли гепатитлар, ОИВ-инфекция, туберкулёз, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари) бўйича шикоятлари бўлмаган 200 нафар шахс текширилган. Таққослаш ва назорат гуруҳларининг жинс ва ёш бўйича таркиби бир хил бўлган.

Паразитологик усуллар. Паразитологик текширув копроскопия усули ёрдамида бажарилди. Ҳар бир бемордан 2-4 кун интервал билан Турдиев консервантига 3 та нажас намунаси йиғилган. Паразитлар аниқланмаганда,

текширув самарадорлигини 2 баробарга оширадиган модификацияланган формалин-этилацетатли I.S.Ritchii концентрацион усули қўлланилган.


Иммунологик усуллар. Периферик қондаги лимфоцитлар популяцияси ва субпопуляцияси Медбиоспектр МЧЖ, Москва ишлаб чиқарган CD3⁺, CD4⁺, CD8⁺, СВ16⁺, CD20⁺, CD25⁺ ва CD95⁺ моноклонал антитаналар ёрдамида билвосита розетка ҳосил қилиш усули ёрдамида аниқланган. Зардобдаги М, G ва А иммуноглобулинларнинг миқдори G. Mancini et al. (1965) бўйича, СРО, IgE, ИЛ-1β, ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-13, ИФН-γ, ЎНО-α "Вектор-Бест" МЧЖ, Новосибирск реагентлар тўплами билан биргақаттиқ фазали иммунофермент анализнинг "sandwich"-варианти ёрдамида аниқланган.

Культурал усуллар. Содда жонворларни (*Blastocystis sp.*) сунъий шароитда ўстириш учун Жонсон озуқа муҳити ишлатилган. Уларнинг антибластоцист дориларга сезувчанлигини аниқлаш мақсадида метронидазол ва нитазоксанид қўлланилган. Намуналардаги содда жонворларнинг (бир мл) миқдорини аниқлаш учун 4 кун давомида Горяев камерасида микроскопия қилинган. Препаратлар трипан кўк бўёқ ёрдамида бўялган. Тоза модданинг содда жонворларга таъсирини аниқлаш мақсадида минимал ингибирловчи концентрация (МИК) ва минимал летал концентрация (МЛК) аниқланган.

Статистик усуллар. Натижаларга статистик ишлов бериш мақсадида Microsoft Office Excel-2003 дастуридан, шу жумладан, киритилган статистик қайта ишлаш функцияларидан фойдаланган ҳолда Pentium-IV компьютерида бажарилди. Вариацион статистика усуллари ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик кўрсаткичи (М), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий ўлчамлар (частота, %)ни ҳисоблаган ҳолда қўлланилган. Олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти ўртача катталикларни солиштиришда Стьюдентнинг (t) мезони бўйича хатолар эҳтимоли (P) айириб ташлаган ҳолда аниқланган. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун P<0,05 ишончлилик даражаси қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Ярали колит билан касалланган беморларда ичак эукариотларининг тузилиши**» деб номланган учинчи бобида ЯК қўзиш даврида, жаррохлик амалиёти ва консерватив даводан олдинги ва сўнгги беморларда ичак эукариотларининг тузилиши келтирилган. Биринчи бўлимда ЯК беморларда гельминтлар ва патоген содда жонворлар (*Giardia lamblia*, *Cryptosporidium parvum* ва *Entamoeba histolytica*); иккинчи бўлимда патогенлиги ноаниқ бўлган содда жонворлар (*Blastocystis sp.*) ва *E. coli*, *E. nana*, *E. dispar*, *Ch. mesnili*, *J. butschlii* комменсаллар гуруҳига кирувчи содда жонворлар кўриб чиқилган.

ЯК ва КР беморларда *A. lumbricoides*, *E. vermicularis*, *H. nana* ва *G. lamblia* тарқалганлик даражаси мос равишда 5±2,17%, 4±1,96%, 5±2,17%, 8±2,71% ва 3,0±1,2%, 3,0±1,2%, 1,5±0,8%, 10,0±2,1% ни ташкил қилган (1-расмга қаранг).



1-расм. ЯК беморлар ва солиштириш гуруҳлари орасида ичак паразитлари билан юктирганлик даражаси (%)


ЯК ва КР беморлар орасида патоген паразитлар билан касалланганлик даражаси ишончли даражада фарқ қилмаган. ЯК беморлар ва аҳоли (назорат гуруҳи) ўртасида *A. lumbricoides*, *E. vermicularis*, *H. nana* ва *G. lamblia* тарқалганлик даражаси ишончли даражада фарқ қилмаган, мос равишда: $4,5 \pm 1,4\%$, $2 \pm 0,9\%$ ва $16 \pm 2,5\%$ ташкил қилган.

ЯК, КР ва аҳоли орасида гельминтлар тарқалганлик даражаси ишонарли даражада фарқ қилмаган, мос равишда: $14 \pm 3,4\%$, $7,5 \pm 1,8\%$ ва $8,5 \pm 1,9\%$ ($P=0.1$) ташкил қилган.

Mayo Clinic шкаласи ёрдамида ўтказилган ичак паразитларининг элиминациясидан олдинги ва сўнгги ЯК фаоллигининг клиник баҳоси паразитларга қарши даволаш натижасида ишончли даражада бирон-бир фарқни аниқламади.

Blastocystis sp. тарқалганлик даражаси ЯК ($65,0 \pm 4,7\%$) ва КР ($80 \pm 2,8\%$) беморларда аҳолига ($18,0 \pm 2,7\%$) нисбатан ишончли даражада юқори бўлган ($P < 0,0001$). Бундан ташқари, инфекциянинг юқори жадаллиги фақат ЯК ($43 \pm 6,1\%$) ва КР ($11,25 \pm 2,4\%$) беморларда аниқланган. Назорат гуруҳида инфекциянинг юқори жадаллиги аниқланмаган. Инфекциянинг ўртача жадаллиги ЯК ($37 \pm 5,9\%$) ва КР ($61,8 \pm 3,8\%$) билан касалланган беморларда аҳолига ($22,2 \pm 6,9\%$) нисбатан ишончли даражада кўп учраши кузатилган ($P=0,12$ ва $P < 0,0001$) (2-расмга қаранг).

ЯК ($3 \pm 1,7\%$), КР ($1 \pm 0,7\%$) ҳамда назорат ($0,5 \pm 0,4\%$) гуруҳларида *E. dispar* учраш даражаси бир хил паст кўрсаткичда бўлган ($P > 0,05$). Фақат КР беморларда ($50 \pm 35\%$) инфекциянинг ўртача жадаллиги аниқланган бўлиб, ЯК ва назорат гуруҳларида инфекциянинг паст жадаллиги аниқланган.



2-расм. Ярали колит ва колоректал рак билан касалланган беморларда *Blastocystis sp.* билан захарланганлик ва интенсивлиги (%).

E. coli ни юқтирган ЖК беморлар ($11 \pm 3,1\%$) сони назорат гуруҳига ($19 \pm 2,7\%$) нисбатан кам бўлган, ammo олинган натижалар ишончли даражада фарқ қилмаган. Инфекция жадаллиги иккала гуруҳда ҳам паст бўлган. КР беморларда *E. coli* назорат гуруҳига нисбатан 2 баробар кам учраган, мос равишда: $7 \pm 1,8\%$ ва $19,0 \pm 2,7\%$ ($P=0,0003$) бўлган. Фақат КР беморларда инфекциянинг ўртача жадаллиги аниқланган ($14,2 \pm 9,3\%$), инфекциянинг паст жадаллиги беморларнинг асосий қисмида кузатилган ($85,7\%$).

S. mesnili ЖК ($14 \pm 3,4\%$) ва КР ($20 \pm 2,8\%$) беморларда назорат гуруҳига ($3,0 \pm 1,2\%$) нисбатан ишончли даражада юқори ($P=0,0003$; $P < 0,0001$) бўлган. ЖК ва КР беморларда аниқланган инфекциянинг ўртача интенсивлиги назорат гуруҳида кузатилмаган.

J. butschlii ЖК ($22 \pm 4,1\%$) ва КР ($22,5 \pm 2,9\%$) беморларда назорат гуруҳига ($6 \pm 1,6\%$) нисбатан 3,5 баробар кўп учраган. Инфекциянинг паст жадаллиги ЖК, КР беморларда ҳам, назорат гуруҳида ҳам аксариятни ташкил этиб, мос равишда $72,7 \pm 9,4\%$, $96 \pm 3\%$ ва 100% ташкил қилган. Инфекциянинг ўртача жадаллиги ЖК ($18,2 \pm 8,2\%$) ва КР ($4 \pm 3,0\%$) беморларда, инфекциянинг юқори жадаллиги фақат ЖК беморларда ($9,1 \pm 6,1\%$) аниқланган.

ЖК ($7 \pm 2,5\%$) ва КР ($11,5 \pm 2,25\%$) беморларда *E. nana* нинг тарқалганлик даражаси назорат гуруҳига ($3,0 \pm 1,2\%$) ($P=0,1$; $P=0,001$) нисбатан юқори бўлган. Барча гуруҳларда инфекция жадаллиги паст бўлган.

ЖК беморларда ва солиштириш гуруҳларида ичак протистофаунасининг тузилишини текшириш натижасида *Blastocystis sp.*, *S. mesnili*, *J. butschlii* ва *E. nana* назорат гуруҳига нисбатан кўп учраши аниқланди. Натижаларнинг таҳлилида ЖК ва КР беморларда ичак протистофаунасидаги ўзгаришлар бир хил эканлиги аниқланди. Протистофаунадаги бирхилликларга қарамасдан, айрим таффовутлар кузатилди: КР беморларда *Blastocystis sp.*, *S. mesnili* ва *E. nana* учраш даражаси ЖК беморларга нисбатан мос равишда 1,2, 1,4 ва 1,6 баробар юқори бўлди.

Шундай қилиб, ЯК ва КР беморларда учрайдиган протистофауна вакиллари учта: а) учраш даражаси ишончли юқори бўлган (*Blastocystis sp.*, *C. mesnili*, *J. butschlii*) ёки учраш даражаси ортишга яққол тенденцияси бўлган *E. nana* (ЯК беморларда); б) барча текширув гуруҳларида учраш даражаси паст бўлган (*E. dispar*); в) назорат гуруҳига (*E. coli*) нисбатан олганда КР беморларда учраш даражаси ишончли даражада паст бўлган ва ЯК беморларда эса учраш даражаси пасайишга яққол тенденцияси бўлган гуруҳларга бўлиш мумкин.

ЯК ва КР беморлар протистофаунаси тузилишидаги ўзгаришларнинг бир хил йўналишга эга эканлиги содда жонворларнинг яллиғланиш жараёни ва канцерогенездаги аҳамияти мавжудлигига ишора беради. Ушбу тахмин КР метастазли ($T_{1-4}N_{1-2}M_{0-1}$) ва метастазсиз ($T_{1-4}N_0M_0$) беморларда содда жонворлар учраши ва гуруҳлар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун асос бўлган. $T_{1-4}N_0M_0$ ва $T_{1-4}N_{1-2}M_{0-1}$ гуруҳларда *Blastocystis sp.* га эга ва эга бўлмаган КР беморлар нисбати мос равишда 3,3 ва 7,0 ни ташкил қилган. Ушбу нисбат *J. butschlii* учун 0,3 ва 0,16, *E. nana* учун 0,18 ва 0,01, *C. mesnili* учун иккала ҳолатда ҳам 0,2 ташкил этган ва *Blastocystis sp.* нинг шундай кўрсаткичларидан ишончли равишда фарқ қилган ($P < 0,0001$). *Blastocystis sp.* мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган $T_{1-4}N_0M_0$ ва $T_{1-4}N_{1-2}M_{0-1}$ КР беморлар гуруҳи орасида ишончли фарқ мавжудлиги ушбу содда жонворнинг канцерогенезда аҳамияти мавжудлигини тасдиқлайди. *Blastocystis sp.* учраш даражасининг юқорилиги эса унинг оппортунистик характерга эга эканлигидан далолат беради.

ЯК ва КР беморларда *E. coli* учраш даражасининг назорат гуруҳига нисбатан паст бўлиши ушбу тур патологик ўзгарган ичак эмас, балки соғлом ичак билан боғлиқ бўлишини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Ичак гельминтлари ва содда жониворлар билан зарарланган ярали колитли беморларнинг иммун ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида ичак паразитлари бўлган ва ичак паразитларисиз ЯК беморларнинг иммунологик текшируви маълумотлари келтирилган. Иммунологик текширув жараёнида хужайравий иммунитет, М, G, A, E синфига кирувчи иммуноглобулинлар, ИЛ-4, ИЛ-6, ЎНО- α , ИФН- γ ва ИЛ-1 β цитокинлар аниқланган. Яллиғланиш маркерларидан бири бўлган СРО ҳам аниқланган.

Ёндош гельминтоз ва лямблиоз бўлган ЯК беморларда Т-лимфоцитлар субпопуляциясининг таҳлили ўзгаришларнинг турлича эканлигини кўрсатган, аммо натижалар, одатга кўра, ишончли даражада бўлмаган. Бластициста инфекциясини ҳисобга олмаганда, ёндош паразитозлари бўлган ЯК беморларнинг сони камлигига қарамасдан, энг яққол ўзгаришлар ЯК+гименолепидозли беморларда кузатилган. Улар CD3+ ва CD4+ - лимфоцитларининг миқдори камайишини ўз ичига олиб, бу эса А.Г. Шакаров (2002, 2003) келтирган гименолепидозли беморлардаги иммунологик силжишлар характери тўғрисидаги маълумотлар билан мос келади.

G. lamblia келтириб чиқарган моноинфекцияли беморларда CD3⁺ - лимфоцитларнинг миқдори назорат кўрсаткичларидан паст. Биз томондан ёндош лямблиозли ЯК беморлар текширилганда CD3⁺ лимфоцитларнинг миқдори камайиши тенденциясининг аниқлангани ушбу маълумотларга мос келади. Биз томондан аниқланган CD8⁺лимфоцитларнинг миқдорининг ортиши лямблиозли беморларда периферик қонда ҳам, *lamina propria* да ҳам ушбу ҳужайра субпопуляциясининг ортишини кузатган хорижий олимлар натижалари билан мос келмоқда. Лямблиоз учун хос бўлган ичак дисахаридазаси фаоллигини камайиши CD8⁺- ҳужайраларига боғлиқ бўлган феномен бўлиб ҳисобланади. Ёндош энтеробиозли ЯК беморларда CD3⁺, CD4⁺- и CD8⁺-лимфоцитлардаги ўзгаришлар ишончли даражада бўлмади.

CD16⁺ - лимфоцитлар ўсмага, вирусга қарши ва трансплантацион иммунитетга жавоб беради. CD16⁺лимфоцитлар миқдорининг камайиши онкологик касалликларнинг ривожланишига ҳамда вирусли ва аутоиммун касалликларни оғир кечишига олиб келади. CD16⁺ лимфоцитлар юқори цитотоксиклик ва бир қатор цитокинларни, асосан, ЎНО- α , ИЛ-1 ва ИЛ-12 ни ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Олинган натижаларда ЯК фаол шакли билан касалланган беморларда CD16⁺лимфоцитларнинг периферик қондаги миқдори ортиши уларнинг яллиғланишдаги аҳамиятини кўрсатади. Ёндош паразитозлар CD16⁺ лимфоцитлар миқдorigа катта таъсир этмади, улар ё (ЯК+бластоцистоз беморларида) назорат катталигини ишончли даражада аниқ оширган, ёки ушбу популяциянинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан бироз ортиши кузатилган.

ЯК беморларда CD20⁺ лимфоцитларнинг миқдори ортиши кузатилди. Худди шундай ҳолат ёндош паразитозларга эга ЯК беморларда ҳам сақланиб қолди, бироқ у фақат ЯК+бластоцистоз бўлган беморларда ишончли характерга эга бўлди.

CD25⁺антитана ҳосил бўлишини ва цитотоксикликни рағбатлантирувчи, ИЛ-2 га нисбатан рецепторларга эга бўлган фаоллаштирилган Т-лимфоцитлардир. Ушбу кўрсаткич лимфоцитларни пролиферация ва дифференцировка қила олиш хусусиятини кўрсатади ва фаоллашган Т-лимфоцитларнинг функционал ҳолатини характерлайди. Периферик қондаги бошқарувчи CD4⁺, CD25⁺ ҳужайралар яллиғланиш, аутоиммун реакциялар ва неоплазия билан кечувчи бир қатор касалликлар иммунопатологиясида муҳим ўрин тутди. Иммунитет юқори фаоллигида ушбу ҳужайраларнинг миқдори ортиб боради.

Тадқиқот давомида ЯК беморларда кўзиш даврида CD25⁺ лимфоцитларнинг миқдори ишончли даражада ортиши кузатилган (P<0.05). Инфлаксиваб билан даволашнинг ижобий кўрсаткичлари CD25⁺, CD4⁺ ва CD8⁺ Т- ҳужайралар субпопуляциясининг экспрессиясининг сусайиши билан кечган. CD4⁺, CD25⁺ циркуляцияловчи бошқарувчи ҳужайраларнинг миқдори касаллик ремиссиясини аниқлашдаги қўшимча диагностика тести ва ёки даволаш самарадорлиги индикатори бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Ичак яллиғланиш касалликларида апоптоз аҳамияти тўғрисида маълумотлар йиғилиб бормоқда. Апоптоз механизмидаги нуқсонлар ичак тўқимасида лейкоцитларнинг ортиқча тўпланишига, натижада турли яллиғланиш олди молекулаларнинг ишлаб чиқарилишини ортиши, жумладан, ЯК ва Крон касалликларида яллиғланиш юзага келишига сабаб бўлади.

Биз ЯК нинг кучайишига хос бўлган апоптозага суи тайёрликни акс эттирувчи CD95+ лимфоцитларнинг фоиз миқдорини камайиш тенденциясини аниқладик. CD95+ ичакда ривожланиши мумкин бўлган яллиғланишдан химоя қилишда аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлиб, бу ремиссия босқичида лимфоцитларнинг апоптотик фаоллиги нормаллашиши билан намоён бўлган. Умуман олганда, ЯК беморларда ҳамда ёндош ичак паразитлари бўлган беморларда хужайравий иммунитет кўрсаткичларида ўзгаришлар сезиларли бўлмаган.

Гуморал иммунитетни текшириш натижаларида бошқача тенденция кузатилган. Ичак паразитозлари бўлмаган ЯК беморларда умумий IgM кўрсаткичи назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли даражада фарқ қилмаган. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларида гуморал иммунитет кўрсаткичлари, (M±m)

Тадқиқот гуруҳлари	IgM, мг/%	IgG, мг/%	IgA, мг/%	IgE, МЕ/мл
Соғлом шахслар (n=20)	141,1±14,9	1225,8±14,0	153,5±10,1	55,7±9,9
Паразитларсиз ЯК беморлар (n=20)	155,9±11,1	1495,3±21,4*	189,9±7,5*	277,6±15,1*
ЯК + аскаридоз (n=5)	150,2±3,6	1595,8±58,7	185,1±6,0	391±60,2
ЯК + энтеробиоз (n=4)	159,7±4,5	1433,5±200,7	177,0±70,6	297,8±17,8
ЯК + гименолепидоз (n=5)	154,0±14,6	1518,4±124,3	192,2±44,6	450,1±65,2
ЯК+ лямблиоз (n=8)	156,0±5,8	1487,5±19,2	196,5±12,6	302,5±21,3
ЯК + бластоцистоз (n=20)	161,3±7,2	1517,5±42,9*	216,2±19,8*	410,5±34,7*

Изох: *-назорат гуруҳи (соғлом шахслар) билан статистик ишончли фарқлар, (P<0,05).

Ёндош паразитозлар ҳам IgM даражасига аҳамиятли даражада таъсир этмаган. Шу билан бирга, зардобли IgG миқдори ЯК беморларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада юқори бўлган. Ёндош паразитозлар ҳам

IgG даражасининг ЯК беморларда ортишига олиб келган. Паразитозлар мавжуд бўлмаган ЯК беморларда IgA миқдори ишончли даражада ортган, ёндош паразитозлар ҳам унинг даражасини оширган, максимал катталиклар лямблиоз ва бластоцистоз бўлган беморларда кузатилган. Энг яққол ўзгаришлар IgE даражасида кузатилиб, унинг концентрацияси паразитозлар бўлмаган ЯК беморларда назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан 5 баробар юқори бўлган. Ёндош паразитозлар ушбу ўзгаришни янада чуқурлаштирган, аммо паразитозларсиз ЯК беморлардан ишончли фарқлар фақат бластоцистозда кузатилган. IgE даражаси ортиши билан кечувчи аллергияциянинг механизмларидан бири бу, эҳтимолга кўра, яллиғланиш натижасида ичак деворининг ўтказувчанлигининг ортиши бўлиши мумкин.

Биз яллиғланишни кучайтирувчи ЎНО- α , ИФН- γ , ИЛ-1 β , ИЛ-6 ва яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлган ИЛ-4 цитокинларининг паразитлари бўлган ва бўлмаган ЯК беморлар қонидаги миқдорини ва ЯК клиник фаоллигига баҳо бериш учун СРО миқдорини аниқладик.

